ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

ВАТАНГА ЯНА 500.000 ТОННА ПАХТА БЕРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

26 октябрь 1971 йил, сешанба ◆ № 248 (15.118). ◆ Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — АМАЛДА

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ КАТТА МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIV съездининг қарорларини амалга ошира борib, тўққизинчи беш йиллик биринчи йилини катта меҳнат ғалабаси билан нишонламоқдалар. Республика пахтакорлари сув танқислиги орқасида рўй берган катта қийинчиликларни енгиб, бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар, терим ишларини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар ва пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан илгари, 25 октябрда бажардилар.

Давлатга 4 миллион 50 минг тонна, яъни йиллик пландагидан юз минг тонна ортиқ ва ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 120 минг тонна кўп пахта сотилди. Пахтанинг 80 процентидан ортиғи биринчи сортларга топширилди. Ингичка толали пахта тайёрлаш плани 105 процент бажарилди, давлатга 160 минг тоннадан зиёд ана шу қимматли хом ашё сотилди.

Ана шу шонли ғалаба КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг катта ёрдами натижасида, колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари, республикадаги барча меҳнаткашларнинг қаҳрамонона меҳнати туфайли, Ўзбекистон партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг катта ташкилотчилик ва сиёсий ишлари натижасида қўлга киритилди.

Бу йил республика вилт билан курашда катта силжишлар рўй берди, деҳқончилик маданиятини юксалтириш, алмашлаб экишни жорий қилиш ва пахтанинг вилтга чидамли янги навларини экиш юзасидан конкрет чоралар амалга оширилди. Бу чораларнинг ҳаммаси мўл ҳосилни барвақт етиштириш имконини берди. Ҳозиргача гектар бошига 24,3 центнердан пахта териб олинди.

Сирдарё областининг қўриқ ерларидаги пахтакорлар давлат планини республикада биринчи бўлиб 10 октябрда бажардилар. Областдаги колхоз ва совхозлар шу кунгача пландан ташқари 75 минг тонна пахта топшириб, плани 121,2 процент бажардилар. Мирзачўлнинг қўриқ ерларидаги совхозлар давлатга биринчи марта 212 минг тонна пахта топшириб, плани 123 процент адо қилдилар.

Тошкент областининг колхоз ва совхозлари плани 112 процент, Наманган областининг колхоз ва совхозлари 107 процент, Андижон областининг колхоз ва совхозлари 105 процент, Хоразм областининг колхоз ва совхозлари 104 процент, Самарқанд областининг колхоз ва совхозлари 102 процент бажардилар. Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё ва Фарғона областлари пахта тайёрлаш планини бажариш арафасида турибди.

Қорақалпоғистон АССР ва республиканинг барча областларидаги деҳқонлар улкан пахта учун умумхалқ курашига муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Андижон области давлатга 495 минг тонна, Сирдарё области 433 минг тонна, Фарғона области 430 минг тонна, Самарқанд области 404 минг тонна, Тошкент области 370 минг тонна, Бухоро области 370 минг тонна, Наманган области 369 минг тонна, Хоразм области 360 минг тонна, Сурхондарё области 336 минг тонна, Қорақалпоғистон АССР 253 минг тонна, Қашқадарё области 230 минг тонна пахта сотди. Оққўрғон, Янгийўл, Жиззах, Пайариқ, Киров, Ромитан, Поп, Бўз, Амударё, Жарқўрғон, Косон районларининг ва республикадаги бошқа кўпгина районларнинг деҳқонлари бу йил жуда яхши меҳнат қилдилар.

Пахта териш техникаси пахта тайёрлашнинг юксак суръатларини таъминлашда муҳим роль ўйнади. Бу йил пахта теримида 30 мингга яқин терим машинаси қатнашди. Бу машиналар билан 1 миллион 700 минг тоннага яқин пахта териб олинди—бу тайёрланган ҳамма пахтанинг 42 процентини ташкил этади.

Сирдарё областидаги хўжаликлар ҳосилнинг 73 процентини, Тошкент областидаги хўжаликлар 60 процентини, Қорақалпоғистон АССРдаги хўжаликлар салкам 40 процентини машинада териб олдилар. Мирзачўлнинг қўриқ ердаги совхозлари мўл ҳосил етиштириб, тайёрланган пахтанинг 93 процентини машиналарда териб олишди. Республикадаги кўпгина районлар, колхоз ва совхозлар ҳосилнинг 80-90 процентини машинада териб олишди.

Механик-ҳайдовчилардан бу йил мавсумда 800 тонна пахта терган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шоймардон Қудратовнинг, 200, 300, 500 тоннадан пахта терган Муродулло Юсуповнинг, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хафиз Полвонов, Тўлан Дадажонов, Эшмон Рўзибоев, Сакина Давлатова, Барно Маъданова, Қурбон Кенжаев, Абдусаттор Сулаймоновнинг ва машина терими кўпгина бошқа ўсталарининг иши катта маҳорат, меҳнат жасорати намунаси бўлди.

Терим ишларининг юксак даражада механизациялаштирилганлиги студентларни пахта теримига оммавий суратда жалб этишдан биринчи марта воз кечиш, Тошкентдаги олий ўқув юртларида ўқишни узлуксиз давом эттириш имконини берди.

Машинасозлик ва химия саноатининг ходимлари пахтакорларнинг бу ғалабани қўлга киритишларига катта ҳисса қўшдилар. Улар республиканинг колхоз ва совхозларини машиналар, запас қисмлар, ўғит, дефолиантлар, гербицидлар ва бошқа химикатлар билан таъминлаб турдилар.

Граждан авиацияси ходимлари ғалабага эришишда муҳим роль ўйнадилар. Улар авиахимия ишларининг ва хусусан пахта терими олдидан ғўзани дефолиация қилиш ишларининг ўз вақтида бажарилишини таъминладилар.

Пахта тозалаш заводлари ва тайёрлаш пунктларининг коллективлари пахтани қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлашни яхши уюштирдилар.

Ишчилар билан деҳқонларнинг мустаҳкам иттифоқи пахта тайёрлаш планининг тез бажарилишига ёрдам берди. Тошкент ва бошқа шаҳарлар ҳамда посёлкаларнинг меҳнаткашлари ҳосил етиштириш ва уни йиғиштириб олишда деҳқонларга катта ёрдам бердилар.

Республика қишлоқ хўжалик ходимлари кувончини ҳамма билан баҳам кўриб қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини доим юксалтириш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилаётганликлари учун, пахтачиликни ривожлантиришда ҳар томонлама ёрдам бераётганликлари учун Коммунистик партияга ва Совет ҳукуматига чин кўнгилдан ташаккур изҳор қиладилар. КПСС Марказий Комитетининг социалистик мусобақани ташкил этишни яхшилаш тўғрисидаги қарори қишлоқ меҳнаткашлари орасида меҳнат ғайратини, Ватанимиз олдидаги интернационал ва ватанпарварлик бурчларини шараф билан бажариш иштиёқини мислсиз кучайтириб юборди.

Давлатга пахта сотиш давом этмоқда. Колхозчилар, совхозларнинг ходимлари республикадаги барча меҳнаткашларнинг ёрдами ва мададига таяниб, етиштирилган бутун ҳосилни йиғиштириб олиш учун зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Улар давлатга пландан ташқари камида 500 минг тонна пахта сотишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Бу йил қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришда ҳам катта муваффақиятларга эришилди. Пилла, қоракўл тери, жун, тухум, каноп, сабзавот полиз экинлари ва узум тайёрлаш йиллик планлари анча оширib бажарилди. Давлатга гўшт, сут, шоли ва картошка сотиш планлари ҳам муваффақиятли бажарилмоқда. Чорва моллари ва паррандалар ҳамма турларининг миқдори кўпайди, уларнинг маҳсулдорлиги ортди. Ем-хашак тайёрлаш, силос ва сенаж бостириш, витаминли ўт талқони тайёрлаш планлари оширib бажарилди.

Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, КПСС XXIV съезди тўқкизинчи беш йиллик олдига қўйган буюк мақсадлар деҳқонларни ва чорвадорларни янги катта ишларга руҳлантирмоқда. Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 54 йиллигини муносиб кутиб олиш, қишлоқ хўжалик йилини муваффақиятли тугаллаш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотиш планлари ва социалистик мажбуриятларини тўла ва оширib бажариш, кузги-қишки дала ишларининг ҳаммасини ва чорва моллар қишловини намунали ўтказиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирмоқдалар.

Ҳурмат тахтаси

Давлатга пландан ташқари пахта топширишни таъминлаганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар:

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ (Область партия комитетининг секретари М. ХУДОЙБЕРГАНОВ, область ижроия комитетининг раиси Р. ЭШЧОНОВ, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Ю. САТТОРОВ, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси Р. РАЖАБОВ, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси В. ПАК, область суғориш тармоқлари бошқармасининг бошлиғи К. САПАЕВ, область комсомол комитетининг секретари М. ЖАББОРОВ ўртоқлар).

А. Н. КОСИГИННИНГ КАНАДАДА БЎЛИШИ

ВАНКУВЕР, 24 октябрь. (ТАСС махсус мухбири). Канада ҳукумати «Ванкувер» меҳмонхонасида СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин шарафига тушлик зиёфат берди.

Зиёфатда Канада томонидан ҳукуматнинг сенатдаги раҳбари П. Мартин, жамоат ишлари министри А. Лейнг, бош министрнинг парламент секретари Б. Дансон ва бошқа расмий кишилар, савдо-саноат доираларининг ва Канада жамоатчилигининг вакиллари ҳозир бўлишди.

Жамоат ишлари министри А. Лейнг А. Н. Косигинни Канада ҳукумати, бош министр П. Э. Трюдо ва Канада халқи номидан табриклади.

(Давоми тўртинчи бетда).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ОЛИЙ МАКТАБЛАР СТУДЕНТЛАРИНИНГ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МОДДИЙ ВА УЙ-ЖОЙ-МАИШИЙ ШАРОИТЛАРИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети КПСС XXIV съездининг қарорларига мувофиқ олий мактаблар студентларининг ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларининг моддий ва уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш чоралари тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда 1972 йил 1 сентябрдан бошлаб олий ўқув юртлари студентларининг стипендияларини ўрта ҳисобда 25 процент ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендияларини ўрта ҳисобда 50 процент ошириш кўзда тутилади. Стипендиялар қуйидаги миқдорда тайинланади: олий ўқув юртларининг студентларига ихтисосига ва қайси курсда ўқиётганликларига қараб ойига 40 сўмдан 60 сўмгача, ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчиларига ихтисосларга қараб (ўқув курсларининг ҳаммасига) — ойига 30 сўмдан 45 сўмгача.

Қарорда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида стипендия олувчиларнинг сонини кўпайтириш кўзда тутилади. Студентларга ва ўқувчиларга стипендиялар уларнинг ўзлаштиришлари ва ўқув юртининг ижтимоий ҳаётида қатнашишлари ҳисобга олиниб тўланади.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг имтиҳон сессияларининг натижасида ҳамма фанлардан аъло баҳо олган ҳамда жамоат ва илмий-техника ишида ўзини кўрсатган студентларига ва ўқувчиларига тайинлаб қўйилган стипендияларнинг миқдори 25 процент оширилади. Олий ўқув юртларининг ректорларига ва ўрта махсус ўқув юртларининг директорларига аъло ва яхши баҳолар олган, жамоат ва илмий-техника ишларида ўзини кўрсатган студентларга ва ўқувчиларга ўқув юрти учун тасдиқланган стипендия фонди доирасида айрим ҳолларда комсомол, касаба союз ташкилоти иштироки билан белгиланган миқдордан 15 процент ошириб стипендия тайинлашга рухсат этилади.

Олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг аспирантлари учун стипендиялар миқдори кўпайтирилади. Олий ва махсус ўқув юртларининг студентлари ва ўрта махсус ўқув юртларининг ўқувчилари учун, шунингдек аспирантлар учун номли стипендияларнинг миқдори оширилади. Ҳунар-техника таълими системаси техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари миқдори оширилди.

Стипендияларни ошириш ва стипендия олувчилар сонини кўпайтириш учун давлат мана шу беш йилликда қўшимча равишда 1,5 миллиард сўм пул ажратди.

Қарорда ишлаб турган ёшлардан олий ўқув юртларига, шу жумладан уларнинг тайёрлов бўлимларига ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилишни ва уларга саноат корхоналари, қурилишлар, колхозлар ва совхозлар ҳисобидан стипендиялар тўлашни кенгайтириш тадбирларини амалга ошириш зарурлигига иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг ҳамда СССРнинг бошқа министрликлари ва идораларининг эътибори жалб қилинди.

Қарорда олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг студентлари ва ўқувчилари учун ётоқхоналар қуришни анча кенгайтириш чоралари белгилаб берилди. Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССРнинг тегишли министрликларига ва идораларига ушбу беш йилликда умумий саҳни 5,7 миллион квадрат метрли ётоқхоналар қуриш вазифаси топширилди.

Қарорда студентлар ва ўқувчиларнинг умумий овқатланишни, уларга медицина хизмати кўрсатишни ташкил этишни анча яхшилаш чоралари белгилаб берилди. Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР министрликлари ва идораларига ўқув юртлари ва ётоқхоналар қошидаги ошхоналарни ва буфетларни кўпайтириш, умумий овқатланиш корхоналарини зарур ускуналар билан таъминлаш, уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш таклиф этилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ва СССР Соғлиқни саклаш министрлиги ўқув юртларидаги ва уларнинг ётоқхоналаридаги соғломлаштириш пунктларини кенгайтиришлари, 1971 — 1975 йилларда катта студент шаҳарчаларининг территорияларида ёки шу шаҳарчалар яқинида олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг студентларига ва ўқувчиларига хизмат кўрсатадиган мустақил поликлиникалар ёки поликлиника бўлимларини ташкил этиш, олий ўқув юртларининг студентларига ва техникумларнинг ўқувчиларига медицина хизмати кўрсатаётган даволаш-профилактика муассасаларини медицина ходимлари билан таъминлаш чораларини кўришлари лозим.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССРнинг тегишли министрликлари ва идораларига олий ва ўрта махсус ўқув юртларида соғломлаштириш-спорт ишларини янада яхшилаш, профилакторийларни ва соғломлаштириш-спорт лагерларини кенгайтириш ва кўпайтириш тадбирларини ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети билан бирга ишлаб чиқиб, амалга ошириш топширилди. Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Советига олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг студентларини ва ўқувчиларини давлат социал страхованиеси маблағлари ҳисобидан санаторий ва дам олиш уйларига бориш учун йўлланмалар билан таъминлашни яхшилаш тавсия этилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари, маҳаллий партия органлари, СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, қарамоғида ўқув юртлари бўлган СССР министрликлари ва идоралари зиммасига олий мактаблар студентлари ва ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчилари моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш, уларга медицина хизмати кўрсатиш ва уларнинг умумий овқатланишларини яхшилаш, шунингдек, мана шу ўқув юртларида соғломлаштириш-спорт ишларини яхшилаш борасида ушбу қарорда кўзда тутилган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур чоралар кўриш вазифаси юкланди.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ФРАНЦИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежнев 25 октябрда Франция Республикасининг президенти Ж. Помпиду ва Франция ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан Москвадан Францияга жўнаб кетди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Совети фан ва техника давлат комитетининг раиси В. А. Кириллин, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, ташқи савдо министри Н. С. Патоличев ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга Францияга жўнаб кетдилар.

Внуково аэродромида ўртоқ Л. И. Брежневни В. В. Гришин, А. П. Кириленко, Ф. Д. Кулаков, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқлар, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари М. А. Яснов, А. П. Ляшко, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Н. К. Байбаков, Л. В. Смирнов, СССР министрлари А. А. Гречко, Б. П. Бугаев, Н. А. Шчелоков, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири К. У. Черненко, СССР Министрлар Совети телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетининг раиси С. Г. Лапин, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, КПСС Марказий Комитетининг ишлар мудири Г. С. Павлов, КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва СССР Ташқи ишлар министрлигининг масъул ходимлари кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида Франциянинг Совет Иттифоқидаги муваққат ишлар вакили Ив Делаэ, Франция элчихонасининг дипломатик ходимлари бор эди.

(ТАСС).

ФРАНЦИЯ ДИЁРИДА ШОДИЁНА КУТИБ ОЛИШ

Л. И. БРЕЖНЕВ ПАРИЖГА КЕЛДИ

ПАРИЖ, 25 октябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежнев Франция Республикасининг президенти Ж. Помпиду ва Франция ҳукуматининг таклифига биноан бугун расмий визит билан Францияга келди.

СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Министрлар Совети фан ва техника давлат комитетининг раиси В. А. Кириллин, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, ташқи савдо министри Н. С. Патоличев, бошқа расмий кишилар ўртоқ Л. И. Брежнев билан бирга Парижга келдилар.

Маҳаллий вақт билан соат 14 дан 30 минут ўтганда махсус самолёт СССР ва Франциянинг давлат байроқлари билан безатилган Орли аэропортига қўнди.

Л. И. Брежнев билан В. П. Брежнева пиллапоядан тушиб келадилар. Уларни Франция президенти Ж. Помпиду ва Помпиду хоним, СССРнинг Франциядаги элчиси П. А. Абрасимов, Франциянинг СССРдаги элчиси Р. Сейду кутиб олдилар. Франция Республикасининг президенти Совет Иттифоқидан келган ҳурматли меҳмонни самимий табриклайди.

Тўплардан бир йўла 101 марта ўқ узиб берилган салют садолари янграйди,

СССР ва Франция Республикасининг давлат гимнлари ижро этилади.

Л. И. Брежнев билан Ж. Помпиду фахрий қоровул сафи олдидан ўтадилар.

Шундан кейин КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Франция президенти билан бирга ҳурматли меҳмонлар салонига йўл оладилар.

Л. И. Брежнев бу ерда ҳозир бўлган Франция расмий кишилари билан саломлашади.

Олий мартабали совет меҳмони билан Франция Республикасининг президенти машинага тушишади. Машиналар кортежи шаҳарга йўл олади.

Қува районидаги «Коммунизм» колхозининг чевар теримчиси Қизлархон Тошпўлатовадир. У мавсумда 12 тонна пахта териш мажбуриятини олган. Суратда: Қ. ТОШПЎЛАТОВА.

Г. Бойко фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ПАХТАКОРЛАРНИНГ

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — АМАЛДА

ҚУДРАТЛИ КУЧ

Республикамиз пахта тайёрлаш планини бажарди. Она-Ватанга 4 миллион 50 минг тонна пахта етказиб берилди. Бу — давлатимизнинг ёрдами, халқимизнинг меҳнати, қудратли куч — машиналарнинг шарофатидир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Республика Министрлар Совети пахтачиликни, ҳусусан теримни комплекс механизациялаш ҳақида доимо ғамхўрлик қилмоқдалар. Бу борада 1971 йилда айниқса катта ғалабаларга эришилди. Буни Оққўрғон райони ва унинг хўжаликлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Районимиз давлатга 83 минг тоннадан зиёд пахта етказиб берди. Шундан 62 минг тоннадан кўпроғи машиналарда терилди. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози тайёрлаган пахтанинг 95 процента машиналар букеридан тўкилди. Совхознинг кўпгина бўлимлари, бригадаларида ҳамма ҳосил машиналарда терилди.

1971 йилнинг бой тажрибаси ҳамма колхозлар ва совхозларда теримни тўла машиналаштириш, қўл кучи ишлатишдан аста-секин воз кечиш мумкинлигини исботлади. Республика партия ва совет ташкилотлари масалани шу тарзда қўйиб мутлақо тўғри йўл тутмоқдалар.

Теримни машиналаштириш хўжаликка қандай иқтисодий фойда келтиришини бир мисолда кўрсатиб ўтамиз. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози машиналар қувватидан самарали фойдаланиб, қўл теримига нисбатан жуда катта давлат маблағини тежаб қолди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Биз комил ишонч билан шундай деймиз: Ўзбекистон партия ва ҳукумати пахтани қўл кучи ишлатмай териб олиш, теримнинг охирги жараёни — кўсак узиш, кўрак чувиш ва тўкилган пахтани териб олишни ҳам машиналаштириш вазифасини қўйдилар. Бу вазифа ҳам муваффақиятли ҳал этилади.

Республикамиз пахтакорлари халқ хўжалиги планини бажарган қунда пахтакорларни улкан меҳнат ғалабаси билан муборакбод этамиз, КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVIII съезди қарорларини амалга оширишда катта муваффақиятлар тилаймиз.

С. ТОИРОВ,
Оққўрғон район партия комитетининг биринчи секретари.

Ж. ХОНАЗАРОВ,
«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози директори.

Э. АЛИЕВ,
Совхоз комплекс механизациялашган пахтачилик бригадаси бошлиғи, СССР Олий Совети депутати.

Ҳамид ҒУЛОМ,

УЛКАН ДОВОН

Бу хушхабар қалбларга эзгу қувонч тўлдирди. Диёримизда бу хушхабардан ҳаяжонланмайдиган, боши кўкка етиб фахрланмайдиган киши йўқ! Ўзбек тупроғида, унинг юксак тиниқ осмони, оташин сахий қуёши остида яшайдиган тирик жонки бор, касб-кори қандай бўлишидан қатъий назар, у аввало, пахтакордир! Ишчи ҳам пахтакор, газчи ҳам пахтакор, олим ҳам пахтакор, бинокор ҳам пахтакор, пахтакорлик — ота-боболаримиздан мерос касб. Пахтакорлик совет даврида, Ленин зиёсидан файз олган улуғ иш, қутлуғ иш. Умуммамлакат меҳнат тақсимотида Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон ва Озарбайжонга пахтакорлик билан шуғулланишдек шарафли вазифа насиб бўлди. Асрлар давомида фақат деҳқонниггина иши бўлиб келган пахтачилик мана, ярим асрдирки, умумхалқ, умумдавлат ишига айланди. Бу иш билан жонажон Коммунистик партиямиз, Совет ҳукуматимиз шуғулланадилар, пахтакорнинг оғир ишини енгиллаштириш учун зарур нарсаларнинг ҳаммасини: каналлар ва ГЭСларни, тракторлар ва «зангори кема»ларни, минерал ўғитлар турли машиналарни, жаъми воситаларни пахта хозир этиш ҳақида қайғурадилар.

Пахтачиликнинг умумхалқ, умумдавлат иши даражасида шарафланиши айниқса, йиғим-терим кунларида яққол кўриниб туради. Тонгда радио гапира бошлаши ёки оқшом «ойнаи жаҳон» экранлари нурланиш билан даставвал ҳамманинг кўзи, қулоғи бир нарсада — «маълумот» жадвалида бўлади. Рақамлар, рақамлар, яна рақамлар... Аскарлар қадамидай залворли, ғалаба нғраларидай мағрўр, меҳнат гимнидай жарангдор рақамлар!...

Йиғим-терим долзарб кунларида республикамиз ҳар куни 3 процентдан ошириб, яъни 130 минг тоннага етказиб пахта топширди. Пахтачилигимиз тарихида ҳали бундай бўлмаган эди. «Оқ олтин» китобига ёзилган бу янги бой, янги заварақлар мазмунида халқнинг жасоратли меҳнати. Ватаннинг буюк мадади, дўсту қардошларимизнинг ҳиммати, социалистик саноатимизнинг, совет техникасининг куч-қудрати борки, шу сабабдан ҳам бугунги хушхабар яъни «Ўзбекистон пахта планини бажарди» деган мужданинг маъноси жуда кенг ва улкандир.

Бу хушхабар фақат ўзбек пахтакорлари ғалабасидангина эмас, балки бутун мамлакат меҳнат аҳлининг яна бир буюк меҳнат зафаридан донг таратади. Бу хушхабар бизга қанчалик қимматли ва ардоқли бўлса, Минск ва Челябинск тракторсозларига ҳам, Москва, Ленинград, Харьков ишчилари, олимларига ҳам, Урал металлургларига ва Украина ғаллакорларига ҳам, Грузия чойкорлари ва Сахалин балиқчиларига ҳам шунчалик қимматли ва ардоқлидир. Мамлакатимизда меҳнат фронтидаги ҳар бир ғалаба, бу ғаллакорлар ғалабасими, ёки фазога навбатдаги дадил парвозми, хуллас ҳар бир ғалаба ҳамма халқлар, барча совет кишилари меҳнати, заковати ва матонатидан ташкил топади. Чунончи, Совет мамлакати тўқимачилик, химия саноати муваффақиятларида ўзбек пахтасининг улуши бўлганидек, ўзбек пахтакорларининг зафарларида ҳам бутун мамлакат саноатининг бебаҳо ёрдами борки, бундай доимий ёрдамсиз пахтачиликнинг алп одимлар билан олга тараққиётини тасаввур этиб ҳам бўлмас экан.

Теримнинг айни қизғин кунларида Андижон далаларида бўлганимизда машҳур пахтакорлардан бири:

— Ажойиб ишлар бўляпти, — деди ўша кунлардаги терим сўрётидан завқланиб, — Ҳар кун 3—4 процент пахта топширётибмиз. Мабодо, бундан йигирма йил аввал бирор киши менга ҳар куни шунча пахта топширасиз, деса асло ишонмаган бўлур эдим.

Пахтакор дўстимиз бизга шундай дейишга деб қўйди-ю кейин ўйланиб туриб қўшимча қилди.

— Дарвоқе орадан кўп вақт ўтди. Бу давр тараққиёт учун қаттиқ кураш йиллари бўлди. Саккизинчи беш йиллик эндиликда тарихга ўтган бўлса ҳам бу даврда қилинган меҳнат, орттирилган тажриба биз учун ниҳоятда қимматли. Баланд чўққига пастроқ чўққидан кўтарилгандай, тўқкизинчи беш йиллик чўққиларига саккизинчи беш йиллик ғалабаларидан кўтариламиз.

Андижонлик пахтакорнинг бу сўзларига изоҳнинг ҳожати йўқ. Унинг сўзлари ўз бурчини чуқур англаб етган, ўз ишига астойдил кўнгил қўйган ишончи комил одамнинг юрак сўзларидир.

Жиззахга бордик. Республика совуғини биринчи бўлиб кўтарган, планини ҳам, мажбуриятини ҳам хаммадан аввал адо этган ғолиб район пахтакорлари билан дийдорлашувни кўпдан бери орзу қилиб юрар эдик. Мана, чўл оша ниҳоят обод район марказининг чироқларини кўрдик. Ҳамроҳим, ёзувчи Константин Симонов бундан ўн уч йил аввал «Москва» колхозида бўлганини эслаб, яна шу колхозни бориб кўриш орзусини билдирди. Ўнгга бурилиб, колхоз қишлоғининг шинам боғларини ёнлаб кетдик. Бир томони — Етим тоғ, бир томони Сўлиқли тоғ, яна бир томони Фориш райони қирлари билан ўралган, этаги Мирзачўлга очиқ бу сахий замин — яшил олам кўз олдимизда дафъатан бутун кўрки-жамоли билан намоён бўлди. Нақ пахтазор бўйида «зангори кема»лар гуруллаб ишлаб турган карта ёқасида новчадан келган, барваста оқсоқолни кўрдик. Бу киши эски танишимиз, «Москва» колхозининг раиси Ҳамроқул Носиров. Дарҳол машинадан тушиб, қучоқлашиб кўриша кетдик. Салом-алиқдан кейинок суҳбат бошланиб кетди. Раиснинг ҳикоясидан ва ёртаси қун далаларда ўз кўзимиз билан кўрганимиздан бу йирик хўжаликнинг довруғи бекорга ёйилмагани, ўз номига муносиб улкан ҳосил корхонасига айланганлиги маълум бўлди. Биз борган кунларда колхоз пландан ташқари биринчи мажбуриятни ҳам бажарган, 3 минг гектар пахтазордан давлатга 12000 тонна пахта топширган, яъни ҳосилни гектар бошига 40 центнерга етказган эди. Раис айниқса машина ҳақида ҳаяжонланиб сўзлаб берди. «Москва» правлениеси дастлабки ҳисобда 2 минг тонна пахтани машинада териб олишни мўлжаллаган экан, 40 «зангори кема» 5 минг тонна «оқ олтин»ни шиғиллатиб териб берибди.

— Техникага, фанга балли! — дейди нуроний раис. — Қудратли совет техникаси туфайли Мирзачўлдан янги ерлар очиб олдик, суғориш тармоқлари созланди. Олимларимиз бизга «Тошкент» навларини етиштириб беришди.

Қаерда бўлманг, ишчилар синфи, машинасозлар, олимлар шаънига пахтакорлардан миннатдорчилик сўзларини эшитасиз. Ана шунда Уроқ ва Волга дўстлиги, совет фанининг сидқидил хизматя каби давримиз буюк ҳақиқатидан, истиқболимиз пойдеворининг мустаҳкамлигидан кўнглингиз фахру ғурурга тўлиб тошади.

Бўзда ҳам, Жиззахда ҳам, Избоскан, Пахтаободда ҳам, Янгийўл, Оққўрғонда, Олтинкўл, Балиқчида ҳам — қаерда бўлмайлик икки гапнинг бирида шу икки масала: янги наву машина терими тилдан тушмас эди.

— Заб нав чиқди-да, «Тошкент» навлари! Вилтга чидамли, тезпишар, серҳосил.

«Зангори кема» капитанларига балли. Оғиримизни енгил қилиб беришди.

Халқнинг бу дил сўзи, мамнунияти пахтачиликда ҳал бўлаётган катта ўзгариш билан боғлиқ. Балки бу яна ҳам улуғроқ зафарларнинг ибтидосидир, улуғ меҳнат ва ижод симфониясининг дебочасидир. Хуллас, катта тарихий иш бошлаб юборилгани, бу қуришда дастлабки ғалабалар, бу ҳужумда дастлабки марралар қўлга киритилгани шундоққина сезилиб турибди.

Бу улкан ўзгаришда меҳнат дарғалари — моҳир механизаторларнинг жасорати, қўшиқлар, достонларга мавзу бўлишга арзигулиқдир. Уларнинг иши, изланиши, ижоди, қаҳрамонлиги таҳсинга сазовордир.

Мирзачўлдаги Охунбобоев номли совхозга борсангиз Аҳмад Валиевнинг шийпонига тушмай кетмайсиз: йўл ёқасидаги шинам боғ, қўёш шуларида товланиб турган гулзор ,баланд баҳаво шийпон: «Хой йўловчи, бу ердан тўхтамай кетиб бўлмасан!» дегандай зеболиб турибди. Биз ҳам пўлат отлар жиловини тортиб, кенг зовур тепасидаги «боғи баланд»га кўтарилдик.

Бригадир «Ўзбекистон» маркали тўрт қаторли «зангори кема»сида пахта тераётган экан. Кема бошини шийпон томонга бурди-да, бункери ичида пахта қайнатганча биз томонга кела бошлади.

Худди шунақа машинада бугунгача 800 тонна пахта терган Шоймардон Қудратовни ҳам, 600 тоннадан ошириб пахта терган Тўлан Дадажонов, Ҳафиз Полвонов ва бошқа ўнлаб механизаторларни ҳам ўз даласида, иш устида кузатган киши учун Аҳмад Валиев ҳам ўшаларнинг бири, ўз ишининг пири комилр, мақсадга қаттиқ интиладиган замон фарҳодларидан бири бўлиб кўринади. Дарҳақиқат, бундай чавандоз капитанларда бир хил сифатлар, фазилатлар кўп. Улар пахтани давлат иши, халқ иши деб чуқур тушунган, ўз хаётларини бу қутлуғ ишга умрбод бағишлайдиган, ҳосил сирини билган, ҳар қандай шароитда ҳам агротехникани тўла ва изчил амалга оширадиган, ўз «зангори кема»ларини олимлар, машинасозлар билан биргаликда муттасил равишда мукамаллаштириб боришга қодир азаматлардир.

Совет даврининг бу ажойиб пешқадамларини яна бир улуғ фазилат — коммунистик ҳаёт учун, коммунистик маданият учун туну-кун тинмай кураш олиб бориш, коммунистларча яшаш ва ишлаш фазилати бирлаштиради.

Бугун республикамиз пахта тайёрлаш планини бажарган шонли айёмда барчаа пахтакорларни ва уларнинг дарғалари бўлган 10 минглаб азаматларни, «зангори кема» кепитанларини муборакбод этамиз.

Бу ғалаба азиз Ватанимизнинг оламшумул шоншарафи йўлида озод халқ, озод меҳнатнинг улкан тантанасидир. Бу ғалаба Совет Иттифоқи халқлари буюк қардошлик оиласида мангу бахтиёр ўзбек халқининг, Ўзбекистонда яшовчи барча қону қардош халқларнинг Коммунистик партия шарафига, коммунистик нурли истиқбол шарафига ижодий жасоратининг тантанасидир.

Бу ғалаба КПСС XXIV съезди тарихий қарорлари зафарли амалга ошаётганлигининг ёрқин далилидир.

Ғалаба қозонилди. План бажарилди.

Аммо республикамиз олдида яна бир чўққини эгаллаш, поёнсиз далаларда ҳамон оқариб ётган гавҳар ҳосил ҳисобига яна ярим миллион тонна пахта териб олиб, бебаҳо хирмонлар қаддини тағин ҳам баландроқ кўтариш вазифаси турибди.

Ҳамманинг юрагидан жой олган «Мурожаатда» айтилганидай «Юрагида ўти, билагида қувати бўлган» ҳар бир киши мазкур улкан вазифани адо этиш учун, охирги юксак чўққига кўтарилиш учун ўзини сафарбар деб эълон қилмоғи зарур.

Пахтакорлик шарафи бизни шу улуғ вазифани ҳам яқин кунларда тўла бажаришга даъват этади.

Йиллар ўтган сайин пахтачилик ҳам кенгайиб, ҳосил кўпайиб боради.

Ўн йиллар ортида балки ўн миллион тонналик хирмонлар бордир. Бироқ, энг буюк хирмонлар ҳам граммлардан ташкил топади. Пахтамиз «оқ олтин» тоғлари шунақа зарралардан тикланади.

Деҳқонларнинг очилган чаноқни кўзга суртишларида ҳикмат бор. Пахта нондай азиз, унинг бир мисқоли ҳам нобуд бўлмаслиги зарур.

Ҳорманг энди юрагида ўти, билагида қувват қайнаган пахтакор дўстлар!

Сўнгги маррага ҳам мардона интилингиз!

Суратларда улкан хирмонимизга барана қўшган қалби қайноқ кишилар тасвирланган. Юқорида — Сирдарё областидаги Ленин номли совхоз механизатори Умар Ҳайдаров, ўртада — Гагарин районидаги «Советобод» совхозининг кунига 8-9 тоннадан дур тераётган механик-ҳайдовчиси Қодир Бозоров ва пастдаги суратда — Яккабоғ райснидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг моҳир теримчиси Н. Рўзимуродова ўртоқлар.

А. Тўраев фотолари.

ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Пахта ўзбек халқининг ифтихори, мамлакатимиз халқ хўжалигини юксалтиришнинг, улуғ Ватанимиз қудратини оширишнинг муҳим омилларидан бири. Шунинг учун ҳам партия XXIV съезди қарорларида мамлакатимиз пахтачилигини ривожлантиришга катта эътибор берилган. Тўққизинчи беш йиллик охирида республикамиз давлатга 4,9 миллион тонна пахта етказиб бериши керак. Бу муҳим вазифани амалга оширишда ғўзанинг эрта ва тез пишар навларини яратиш, деҳқончиликнинг маданиятини юксалтириш асосида пахта ҳосилдорлигини ошириш ва янги ерларни ўзлаштириш асосий ўрин тутади.

КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этда бориб, республикамиз пахта усталари катта зафар қўндилар. План шараф билан бажарилди. Бу улкан ғалабада, айниқса пахтачилик соҳасида ишловчи селекционер олимларимизнинг хизмати катта бўлди. Кейнги йилларда генетикларимиз ғўзанинг энг серҳосил, тез пишар, совуққа ва вилт касаллигига анча чидамли бўлган навларини етиштириш соҳасида самарали тадқиқотлар олиб бордилар. Натижада Тошкент 1—2—3 ва 159-Ф ҳамда ингичка толали С-6030 навлар етиштирилдики, булар пахтакорларимизга манзур бўлаётир.

Шунисн қувонарлики, «Тошкент» навли пахта ҳозир республикамиздаги 300 дан ортиқ хўжаликда, 200 минг гектарга яқин майдонда етиштирилмоқда. Йигирмага яқин колхоз ва совхоз ана шу навдаги пахта чигити етиштириб берадиган хўжаликларга айлантирилди. Эндиликда «Тошкент» навли пахтани суғориш ва уларни рационал жойлаштириш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда.

Кимёгар олимларимиз ўсимликларда кечадиган химиявий реакцияларни тўлиқ билиб олган ҳолда, улардан ўсимлик организмидаги хаётий жараёнларни мақсадга мувофиқ бошқаришни рўёбга чиқарадиган ва бу билан ҳосилдорликни кескин оширишда деҳқонларимизга ёрдам берадиган моддаларни ҳам ажратиб ола бошладилар. Бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилди. Ўтган йили ғўза бергларининг қарийб ёппасига тўкилишини таъминловчи бутилкантока деган препарат давлат синовидан ўтказилди. Бу янги дефолиант ингичка толали пахта олинадиган ғўзада синаб кўрилганда яхши натижалар берди. Олимларимизнинг пахта ўсимлигининг нимёвий таркибини ўрганиш, пахтачилик учун минерал ўғитларнинг янги, таъсирчан хилларини ишлаб чиқиш устидаги тадқиқотлари ҳам катта назарий ва амалий аҳамиятга эгадир.

Бундан ташқари олимларимиз конструктор ва механизаторлар билан ҳамкорликда пахтачиликни комплекс механизациялашда катта ишлар қилишди. Пахта териш машиналарини янада такомиллаштириш мақсадида барабанлари паст-баланд қилиб ўрнатиладиган агрегат конструкциясини ишлаб чиқдилар.

Энтомолог олимларимиз эса ғўзанинг энг хавфли зараркунандаларидан бўлган кўсак қуртига қарши курашнинг янги самарали усулларини яратдилар Бунга кўра, чигитнинг униб чиқиши учун сарфланадиган харажатларни 10-15 марта камайтириш мумкин бўлади.

Бундан буён ҳам генетика, цитогенетика, цитоэмбриология, ўсимликлар анатомияси ва морфологияси соҳасидаги илмий-тадқиқотларни янада кучайтириш ва биринчи навбатда ғўзанинг замонавий селекция навларини яратиш каби тадбирларни амалга ошириш нўзда тутилади.

Азамат пахтакорларимизнинг тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида эришган улкан ютуқларида олимларимизнинг ҳам муносиб улуши борлиги билан фахрланамиз. Тадбиркор, меҳнатсевар пахтакор билан олимлар ўртасидаги ҳамкорлик бундан кейин ҳам мустаҳкамланиб боради.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиклари: О. СОДИҚОВ, С. ЮНУСОВ, С. РИЖОВ, И. МУМИНОВ, Т. САРИМСОҚОВ, С. СИРОЖИДДИНОВ, У. ОРИФОВ, М. ХАМИДХОНОВ, Е. ТУРАҚУЛОВ, В. ПОПОВ.

Шоли — давлатга

Республикамиз областларида шоли тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1971 йил 25 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун—областлар; иккинчи стун—план (тонна ҳисобида) учинчи стун — топширилган шоли (тонна ҳисобида), тўртинчи стун — топшириққа нисбатан процент ҳисобида.

Андижон	5.000	6.191	123,8
Самарқанд	2.300	2.763	120,1
Хоразм	19.500	22.251	114,1
Фарғона	3.000	3.231	107,7
Тошкент	20.300	21.687	106,8
Наманган	4.000	4.135	103,4
Сирдарё	13.970	14.134	101,2
Сурхондарё	6.800	5.830	85,7
ҚҚ АССР	54.000	38.749	71,7
Республика бўйича:	128.870	118.971	92,3

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1971 йил 25 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Республика тайёрлов пунктларига 24 октябрда 40 минг тоннага яқин пахта топширилди. Сирдарё области бир кунда планнинг 0,98 процента миқдорида пахта тайёрлади, план 121,2 процент қилиб бажарилди. Бу кўрсаткичлар Тошкент областида — 0,77 ва 111,88 процент, Наманган областида — 0,79 ва 106,84 процент, Андижон областида — 0,63 ва 105,09 процент, Хоразм областида — 1,93 ва 104,4 процент, Самарқанд областида — 1,09 ва 101,2 процент, Сурхондарё областида — 0,64 ва 96,71 процент, Қашқадарё областида — 0,73 ва 97,89 процент, Бухоро областида — 0,86 ва 94,86 процент, Қорақалпоғистон АССРда — 2 ва 94,48 процент, Фарғона областида — 0,96 ва 91,37 процент, республика бўйича ана шу кўрсаткичлар 1,01 ва 102,29 процент бўлди. Республикада шу кунгача машина терими плани — 98,31 процент, ингичка толали пахта сотиш плани — 104,4 процент бажарилди.

ЧЕКСИЗ ШОДМИЗ

Киши ҳаётида шундай дамлар бўладики, уни абадул-абад унутиб бўлмайди. Съезд йили аталмиш 1971 йилда дилларни қувонтирадиган, кўнгилларни шод этадиган жуда кўп воқеаларнинг шоҳиди бўлмоқдамиз. Мен шунинг бир дебочасини совхозимиз мисолида айтиб ўтмоқчиман.

Бригадамиз пахта тайёрлаш планини бажарган куни бир қувондик. Совхозимиз 12 минг тонна пахта топшириб, дастлабки довондан ошганда қувончимизга қувонч қўшилди. Районимиз маррага етгандаги севинчимизни сўз билан ифодалаш қийин. Бунинг сабаби бор. Ирмоқлар бирлашиб дарёлар ҳосил қилганидек, республикамиз колхозлари ва совхозлари етиштирган «оқ олтин» жамланиб, 4 миллион 50 минг тоннага етди. Мамлакатимиздаги қон-қардош халқлар олдида берган сўзимизнинг устидан чиқдик, ваъдага вафо қилдик.

1971 йил пахтачиликни комплекс механизациялашда мисли кўрилмаган ғалабаларга эришилган йил бўлди. Буни ўзим бошчилик қилаётган механизациялашган бригада мисолида кўрсатиб ўтмоқчиман. Катта майдонларга чигит экишдан тортиб, ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган ишларнинг ҳаммасини машиналар бажарди, пахтачиликда сувчиларни мустасно қилганда қўл кучи ишлатилмади. Теримни ўн икки иш кунида ўтказдик, гектаридан 40 центнердан ошириб пахта олдик. Ўзим «зангори кема»да 200 тоннадан зиёд пахта тердим. Областимизда бундай механизациялашган бригадалар сони йил сайин кўпайяпти, келгусида бу бригадалар пахта ишлаб чиқаришнинг асосий манбаи бўлиб қолади.

Довондан ўтдик. Лекин олдимизда катта вазифалар турибди. Пешона теримиз билан ётиштирилган ҳосилнинг каттагина қисми чаноқларда турибди. Уни тезроқ териб олишимиз, мажбуриятни бажаришимиз, келгуси йил ҳосилга пухта замин яратишимиз зарур. Бу биз пахтакорлардан бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлашни талаб қилади. Дастлабки муваффақиятни ҳалол меҳнатимиз билан мустаҳкамлайлик.

Мукаррама ФУЗАЙЛОВА,
Бухоро область Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхози комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

МЕҲНАТ ЖАСОРАТИ

Йиллик планнинг барвақт бажарилишига Пискент районидаги Тельман номли колхознинг ушбу суратдаги донгдор механизаторлари Абдусаттор Абдиев (чапдан) Жамисра Ғафуров ва Солиқул Алиқулов ўртоқлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Уларнинг ҳар бири 150 тоннадан ошириб «оқ олтин» терди.

А. Ходаков фотоси.

КОММУНИСТЛАР

Партия йиғилишларимизда юксак мажбуриятларнинг бажарилишини мунтазам муҳокама қилиб бордик. Колхоз коммунистлари, комсомоллари ва ҳосил жонкуярлари механизаторларнинг диққат-эътиборини дала ишларини сифатли ўтказиш, ғўзани серҳосил қилиб ўстиришга қаратдик. Ҳамма бригадаларда группа бўлиб, бир йўла ва механизациялаштирилган ҳолда суғоришни жорий этдик. Минерал ўғитлардан, сувдан мумкин қадар самарали фойдаланишга катта эътибор бердик. Кексалар ва тажрибакор колхозчилардан иборат алоҳида сифат комиссияси тузиб, уларнинг иши устидан назоратни кучайтирдик.

Шонли йилда кўрилган бу тадбирларимиз самарали натижа берди. Барча майдонларда мўл ҳосил етиштирилишига эришдик. Дефолиацияни ўтган йилдагидан 15 кун олдин бошладик. 1200 гектар ердаги ҳосилни машина теримига ажратиб, пайкалларни бегона ўтлардан тозаладик. Машина терими сентябрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, 36 агрегатнинг икки смена да ишлашини таъминладик. Баъзи кунлари беш процентга етказиб пахта тайёрландик. Октябрь ойининг биринчи ўн кунлигида йиллик планнинг 47 процентга миқдорида пахта топширдик. Йиллик маррага 15 октябрда етдик. Шу кунгача гектаридан 26,5 центнер ўрнига 30 центнердан ошириб пахта топширдик. Бу республикамизнинг улкан хирмонига ҳозиргача қўшган улушимиз бўлди. Лекин, бу билан қаноатланиб қолмаймиз.

Пахтанинг кўпайишида, суръатнинг кўтарилишида коммунистларнинг роли ғоят катта бўлаётир. Коммунист Хурсанд Ҳотамов бошлиқ бригада планини 150 процент, Эгамберди Ҳаитов бригадаси 130 процент бажарди. Улар ҳар гектар ердан 33-37 центнердан хирмон кўтаришди. Машина терими планининг 140 процент бажарилишида ҳам коммунистлар етакчилик қилдилар. Хилпин Носирова, Самад Худойбердиевга ўхшаш коммунистлар, ВЛКСМ XVI съезднинг делегати Муҳаббат Ғойбова каби кўплаб комсомоллар машиналар бункеридан 200 тоннадан пахта тўқдилар. Ҳосилнинг салкам 60 процентини «зангори кема»ларда териб олинди.

План ошириб бажарилган бўлса ҳам ҳозирги кунларда икки процент ва ундан ошириб пахта тайёрлаяпмиз. Биз планга қўшимча 1749 тонна пахта топшириб, ялпи ҳосилни етти минг тоннага етказиш учун курашмоқдамиз.

Н. МАМАТОВ,
Булунғур районидаги «Октябрь» колхози партия ташкилотининг секретари.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА МАҲСУЛОТ ТАЙЁРЛАШ ПЛАНЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ:

Пилла тайёрлаш плани 107 процент бажарилди. Давлат тайёрлов органларига 206 минг 720 центнер юқори сорт пилла топширилди.

●

Лубкорлар она-Ватан топшириғини анча ошириб адо этдилар. Тайёрланган қимматбаҳо хом ашё 339 минг 444 тоннадан ошиб кетди.

●

Қоракўлчиларимиз мисли кўрилмаган ғалабага эришдилар. Улар 2086 минг донадан зиёд юқори сифатли тери етказиб бериб, буюртмани 104,3 процент ўринладилар.

●

Сабзавоткорларимиз жонбозлик кўрсатиб ишладилар. Тайёрлов пунктларига армуғон этилган сабзавотлар 676 минг 727 тоннани ташкил этди, йиллик план 109,3 процент бажарилди.

●

Ғаллакорларимиз 200 минг тоннадан зиёд дон жамғардилар.

●

Шоли тайёрлаш қизғин давом эттириляпти. Шу кунгача давлат омборларига 103 минг 648 тонна шоли етказиб берилди.

КАТТА ЙЎЛДА

Омоч билан ер тирнаб деҳқончилик қилган боболаримиз. Эндиликда эса мўъжизакор техника деҳқоннинг оғирини енгил қиляпти. Ўтмишдаги деҳқончилик билан ҳозиргиси ўртасида халқ тили билан айтганда ер билан осмонча фарқ бор. Буни лоақал бизнинг бригадамиз мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қўриқ ерда пахтадан йил саайин юқори ҳосил етиштириб келаётган бригадамиз коллективи бу йил айниқса юксак чўққиларни эгалладилар. Баҳорда 89 гектар майдонга чигит эккан эдик. Шартномага кўра гектар бошига 23,4 центнердан пахта топширишимиз кўзда тутилган. Ҳамма бирдек ишлади. Гектаридан 45 центнерга етказиб хирмон кўтариш учун барча куч ва тажрибамизни ишга солдик. Ғўзалар серкўсак бўлиб ўсди. Барвақт очилди. Тўқкизинчи сентябрь куни теримга тушган эдик.

Мавсумнинг дастлабки кунлариданоқ машина теримига зўр бердик. Менинг ўзим кенг қаторли янги агрегат штурвалига ўтирдим. Хар куни ўртача йигирма беш тоннадан пахта тердим. Баъзи кунлари «зангори кема» бункеридан 30 тонна ва ундан ҳам ошириб «оқ олтин» бўштатдим. Ҳозиргача ҳар гектар майдондан 41 центнердан дур териб олдик. Ҳосилнинг ҳаммаси фақат биринчи сортга қабул қилинди. Тағин гектаридан 4 центнердан пахта йиғиштириб олиш учун барча имкониятларга эгамиз.

Ҳа, терим тақдирини машиналар ҳал қиляпти. Менинг ўзим шу кунга қадар 800 тонна пахтани бункердан тўкдим. Тағин 50 тонна «оқ олтин» териб бермоқчиман. Ўшанда агрегатим пўлат панжалари билан 850 тонна ҳосил саранжомланган бўлади. Бу — мавсумда ҳар бири 8 тоннадан пахта терадиган 100 кишининг ишидан ҳам кўп. Бир машина 100 кишининг нормасини бажаряпти. Чинакам мўъжиза эмасми, бу!

Биз техникага таяниб мўл ҳосил етиштириш билан бирга унинг таннархини ҳам кескин камайтиряпмиз. Бир центнер пахтанинг таннархи булгур 25 сўмни ташкил этган бўлса, бу йил — 22 сўмга тушади. План бўйича 92 минг сўм даромад қилишимиз керак эди. Ҳозиргача олган даромадимиз 162 минг сўмдан ошиб кетди. Ҳар бир механизаторнинг ўртача ойлик иш ҳақи 200 сўмдан ошиқ тушяпти. Қўшимча мукофот тариқасида 28 минг сўм пул берилади. Буларнинг ҳаммаси фақат ва фақат комплекс механизация шарофатидан!

Республикамиз пахта карвони манзилга етганлиги ҳақидаги хушхабар бизни ҳам бениҳоя тўлқинлантириб юборди. Негаки шу улкан хирмонда чўлқуварларнинг ҳам алоҳида улуши бор.

Шоймардон ҚУДРАТОВ,
Гагарин районидаги «Советобод» совхозининг комплекс-механизациялашган бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети депутати.

ХОРАЗМ ДУРДОНАСИ

Шундай давр, замонда яшаяпмизки, бир кишининг меҳнат ғалабасига ҳамма, ҳамманинг зафарига бир ниши чин дилдан қувонади. Биз бир колхознинг оддий теримчиларимиз. Республикамиз пахтакорлари эришган беҳад катта ғалаба билан чексиз қувонамиз, барча пахтакорларга, теримда қатнашган ҳашарчиларга машъал Хоразм области меҳнат аҳлидан салом йўллаймиз.

Хоразм областимиз ҳам пахта планини бажариб, социалистик мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширяпти. Янгариқ районимиз давлатга 68,5 минг тонна пахта армуғон этиб, ғалаба рапортига имзо чекканига анча бўлди. Эндиликда 77 минг тонналик маррани кўзлаб олға томон дадил қадам ташлаяпти. Колхозимиз ҳар гектар ердан 40 центнердан хирмон кўтариб, шуҳратини сақлаб қолди, яна гектаридан 5 центнердан пахта териб олиб, 45 центнерлик бунтга ғалаба байроғи тикамиз.

Бу йил колхозимизда кўпминг килограммчилик ҳаракати кенг кулоч ёйди, районимиз, областимизда ҳам бу ҳаракат авж олди. Бугун шуни қувонч билан маълум қиламизки, хоразмлик кўпминг килограммчи теримчиларнинг деярли ҳаммаси мажбуриятларини тўла ва ошириб бажарди. Бизлар хирмонга 12—15 минг килограммдан пахта тўкиб, мажбуриятларимизни муддатидан олдин бажардик.

Пахта шон-шуҳратимиз, халқимизнинг бойлиги. Биз теримчилар бундан кейин ҳам республикамизнинг пахтачилидаги шуҳратини ошириш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаверамиз, областимиз ва районимизнинг машъаллик шуҳратини янада ошириш учун курашаверамиз. Хоразмлик ҳамма теримчиларнинг аҳди-паймони шу!

Хуржон ОЛИМОВА, Раъно ҲАМРОЕВА, Ҳавогул БЕКЧОНОВА, Дуржон БОЛТАЕВА,
Хоразм область Янгариқ районидаги «1 Май» колхозининг кўпминг килограммчи теримчилари.

ИНЖЕНЕР КЎЗИ БИЛАН ҚАРАГАНДА

БОШҚАРУВ ФАНИ

Бундан тўрт йил муқаддам Фарғона шаҳар партия комитети билан республика газетаси «Правда Востока» редакцияси иккита заводнинг, яъни нефтни қайта ишлаш заводи билан азотли ўғитлар заводининг инженерларига ўзларининг ишчанлик даражаларига, ўзларининг фойдали иш коэффициентларига баҳо беришни таклиф қилган эдилар. Мутахассислар бу ишга юксак талабчанлик позициясида туриб ёндошдилар. Бу саволга жавоб берган инженерлардан фақат ўн процентигина ўзларининг фойдали иш коэфициентларини юз процентли, деб айтишди. Инженерларнинг яна шунча процента бу кўрсаткич 75 процент эканлигини айтди. Мутахассисларнинг 28 процента, қилаётган меҳнатимизга кучимизнинг ярмисини сарфлаётибмиз, дейишди.

Инженерлар ишнинг самарадорлигини пасайтираётган сабабларни айтиб беришди. Бу сабаблар, қўнимсизликдан, ташкилий техниканинг етишмаслигидан, мансабга доир инструкцияларнинг йўқлигидан, хўжалик ишларини қандай юритиш мақсадларини раҳбарлар билмаслигидан қилинадиган вазифалар ҳамиша ҳам аниқ ва равшан белгилаб қўйилмаганлиги, ҳуқуқлар чеклаб қўйилганлиги баъзан хатто камситилаётганлигидан иборат бўлмоқда. Бошқа сабаблар ҳам кўрсатилиб ўтилди. Мутахассисларнинг деярлик ҳаммаси якдиллик билан айтган фикри шу бўлдики, топшириқларни ва қарорларни пухта ўйлашга, инженерлик ижодкорлигига вақт етишмаяпти. Кечаги, бугунги, эртанги ишлар тўғрисида «Ўйлаб кўриш соати» етишмаётир.

Шу билан бирга мутахассислар ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга, «инженерлик кучини» батамом ишга солишга сезиларли ҳисса қўшишга интилаётганликларини бир оғиздан айтдилар.

Шаҳар партия комитети ана шу суриштириш якунларини анализ қилиб чиқиб бу якунларни мутахассислар билан бирга муҳокама этишга инженерлик ижодкорлигини кай тарзда активлаштириш тўғрисида уларнинг фикрини билишга қарор қилди. Шаҳарда олий маълумотли мутахассислар 600 кишидан кўпроқ ҳисобланади. Шаҳар партия комитети ишлаб турган мана шу мутахассисларнинг ҳаммасини инженерлар конференциясига таклиф қилди. Бундан мақсад инженернинг фойдали иш коэффициентини ошириш йўлларини коллектив бўлиб белгилаб олиш эди. Шаҳар партия комитети бу конференция оддий кенгаш эмас, балки ҳаммани қизиқтираётган масала тўғрисида ўтказилаётган суҳбат эканлигини одамларнинг тушуниб олишига кўпроқ аҳамият берди.

Қизиқарли, жонли, баъзи масалаларда ҳатто тўлқинлантирувчи суҳбат бўлиб ўтди. Азотли ўғитлар заводининг бош энергетиги М. Брайловскийнинг нутқи конференция қатнашчиларининг эътиборини жалб қилди. У энергетик мутахассислар қўнимсизлигини йўқотишга қандай қилиб муваффақ бўлганликларини, хўжалик, канцелярия, таъминотчилик ва бошқа ишлардан анчагина халос бўлганликларини гапириб берди. Худди мана шундай йўл билан энергетиклар ўзлари учун ҳар кун бир соат ўйлаб кўришга вақт ажратиб олдилар ва бу вақтдан унумли фойдаландилар. Заводни энергия билан таъминлашнинг янги схемаси ишлаб чиқилди. Илмий тадқиқот институтлари маъқуллаб қўллаб-қувватлаган бу схема бутун Фарғона—Марғилон саноат комплексини энергия билан таъминлаш схемасидир, деб асос қилиб олинди. Ҳозир схема практикада амалга оширилмоқда.

Инженерлик меҳнати самарасини ошириш тўғрисида конференциянинг бошқа қатнашчилари ҳам гапиришди. Улар бу соҳада тўпланган илғор тажрибани оператив равишда умумлаштириш ва ёйиш нечоғлик муҳим эканлигини уқтириб ўтишди. Шунинг учун ҳам конференция Фарғонада шаҳар инженерларининг советини тузишга қарор қилди. Бу совет мана шундай тажрибани жорий қилиш, мутахассисларнинг янги иш формалари ва методларини излаб топиш учун қилаётган ҳаракатларини координациялаш билан ҳар доим ва муайян мақсадни кўзлаб шуғулланиши лозим. Бу советга шаҳарнинг 15 нафар энг яхши инженерлари аъзо қилиб олинди.

Бизнинг жадал суръатли давримизда тўрт йил кифоя қиларли даражада катта муддат. Инженерлар советининг манфаати каттами? Бунинг миқдорини ўлчайдиган қандайдир мезон йўқ. Бундай мезонни топиш ҳам қийин. Лекин совет бажарган турли мароқли ишлар жуда кўп.

Инженерлар советининг тавсиясига биноан шу шаҳар мутахассисларининг делегациялари Москва, Ленинград, Минск, Вильнюс, Рига, Волгоград, Свердловск ва бошқа шаҳарларнинг пешқадам корхоналарига бориб келди. Ҳар гал бу сафарларнинг натижалари мутахассисларнинг йиғилишларида, семинарларда, маҳаллий матбуотда синчиклаб анализ қилинди. Амалий ишларга доир янги информацияни ҳар бир ижрочи—мутахассисга ўз вақтида етказиш ва амалий ишда мутахассиснинг мана шу информациядан тўла фойдаланиши учун ҳамма чоралар кўрилмоқда.

Инженерлар совети А. Гастевнинг «Қандай ишлаш керак» деган кўрсатмаларини ва П. Керженцевнинг «Ташкилотчига кўрсатма» рисоласини, «Фарғонада меҳнатни илмий уюштириш» деган иккита плакатни, «Бошқарув принциплари» деган рисолани нашр этди ва шаҳарда тарқатди. Инженерлар меҳнатини ташкил этиш формалари ва методлари тўғрисида шаҳарда ташкил этилган мунозара қизғин ва мароқли ўтди. Шу мунозарада ишлаб чиқаришни ташкил этишга ва бошқаришга доир янги китоблар муҳокама қилинди. Заводлардаги маданият саройларида ва клубларда меҳнатни илмий уюштиришга бағишланган фильмларнинг фестиволлари ўтказилди. Инженерлар совети ва унинг жуда кўп ёрдамчи активлари меҳнатни илмий ташкил этишга, ишлаб чиқариш ва бошқарувга бағишланган область конференциясини тайёрлашга кўмаклашиб Фарғона ва областнинг бошқа шаҳарларидаги мутахассислар учун лекциялар ўқишни ташкил этдилар. Советнинг таклифига биноан атоқли олимлар, экономистлар Фарғонага келиб кетишди.

Мана шуларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришда инженерларнинг активлигини анча оширишга имкон берди. Масалан, азотли ўғитлар заводининг энергетиклари «Фикр юритиш соати»дан фойдаланиб, сув билан таъминлашнинг оригинал схемасини тузиб бердилар. Бу схемани жорий қилиш саноат эҳтиёжлари учун чучук сув сарфлашни бир неча баравар камайтиришга, технология жараёнларини яхшилашга имкон берди. Нефтни қайта ишлаш заводида ҳар бир лавозимдаги киши нималар қилиши тўғрисида инструкциялар ишлаб чиқилди. Бу инструкциялар шаҳардаги барча корхоналарнинг раҳбарларини қизиқтирди. Шу корхоналарнинг мутахассислари технология жараёни ва лаборатория ишини назорат қилиб туришни янгича ташкил этдилар. Цех технологларининг иши янгича йўлга қўйилди. Энди улар ишлаб чиқариш жараёнлари тўғрисида кўпроқ информация олмоқдалар ва оператив технология вазифаларини анча мустақил ҳал қиладиган бўлиб қолдилар.

Шаҳар партия комитети аспирантурага киришга тайёрланаётган мутахассислар учун лекциялар ўқиш тажрибасини маъқулламоқда, қимматли ташаббусларни қўллаб-қувватламоқда. Нон комбинатининг мутахассислари Москвадаги нон комбинатларига бориб келиб янги маҳсулот чиқаришни ташкил этдилар.

Инженерлик ижодий касб. Инженерлар ўзларининг иш вақтларини тўғри сарфлаяптиларми, ҳар доим энг кўп самара берадиган даражада меҳнат қилмоқ учун иш кунини тўғри ташкил эта оладиларми? Бу саволларга жавоб бермоқ учун инженерлар совети фақат корхоналардаги меҳнатни илмий ташкил этиш бўлимлари ходимлари ёрдами билан Фарғонадаги учта катта заводда бош инженерларнинг иш вақтини хронометраж қилдилар. Олинган маълумотлар бу бош инженерларнинг ҳаммаси ўз қаромоғларидаги кишилар шуғулланиши лозим бўлган масалаларни ҳал этишга кўп вақт сарфлаётганликларини кўрсатди. Тўпланган маълумотларни умумлаштириш ва мукаммал ўрганиб чиқиш шаҳардаги корхоналарда диспетчерлик хизматини барпо этишга етарли эътибор берилмаётганлигини, шаҳардаги корхоналар турли идоралар қарамоғида бўлганлиги сабабли ишлаб чиқаришни, меҳнатни ва бошқаришни ташкил этиш соҳасидаги илғор тажриба ҳали ҳам етарли даражада кенг ёйилмаётганлигини кўрсатди.

Мана шуларнинг ҳаммаси ҳақида инженерлар совети муфассал ва ибратли доклад тайёрлади. Бу доклад Фарғона инженерларининг иккинчи шаҳар конференциясида муҳокама қилинди. Конференция корхоналарнинг раҳбарларига ва бош мутахассисларига резервдаги инженер кадрларни раҳбарлик лавозимларига кўтармоқ учун улар билан планли равишда иш олиб боришни, барча корхоналарда инженерлар совети тузишни, фан-техника тараққиёти проблемалари тўғрисида доимий ишлайдиган лекторий ташкил этишни тавсия қилди. Бу тавсияларда олий маълумотли мутахассисларнинг амалий фаолияти ва ўқишига доир бошқа масалалар кўрсатилиб ўтилди. Иш программаси тузиб чиқилди. Ҳар доим шаҳар партия ташкилотига таяниб иш олиб бораётган Фарғона инженерлар совети ҳозир мана шу иш программасини амалга ошириш билан шуғулланмоқда.

Тажриба инженерлар совети шаҳарнинг ижтимоий ва хўжалик ҳаётида ўзининг мустаҳкам ўрнини топганлигини, ўзига яраша иш олиб бораётганлигини, фан-техника революциясининг ғояларини актив пропаганда қилаётганлиги ва ўтказаётганлигини кўрсатди. Энди Қўқон, Марғилон, областнинг бир қанча корхоналарида ҳам мана шундай советлар тузилди. Фарғонанинг тажрибаси инженерлар советининг юксак даражада самарали эканлигини ва ташаббускорларнинг изланишлари кенг ёйилган тақдирда бу советларнинг тағин ҳам кўпрок самарадорлик билан ишлаши мумкин эканлигини кўрсатиб турибди.

Шу муносабат билан, бизнинг мамлакатимизда кўп йиллардан бери ишлаётган жамиятлар, чунончи хирурглар жамияти, химиклар жамияти сингари инженерлар жамияти тузиш тўғрисидаги таклиф, бизнинг фикримизча, диққатга сазовордир. Бундай жамиятларнинг ўз уставлари бўлиши, инженерлар советлари тўғрисида намунали низом ишлаб чиқилиши керак. Бундай жамиятлар инженер кадрларни фан-техника революциясидан келиб чиқаётган мақсадлар ва вазифалар руҳида, КПСС XXIV съезди қарорлари руҳида тарбиялаш ишига ёрдам берган бўлур эди.

«ПРАВДА»нинг коллектив мухбири—«Правда Востока» газетасининг редакцияси.
«ПРАВДА» 24 октябрь.
Тошкент шаҳри.



Назира Жабборова Янгиариқ районидаги «Коммунизм» колхозининг илғор механизаторларидан. У «зангори кема» бункеридан ҳар куни 8 тоннадан пахта тўкяпти. Суратда Назира Жабборова.

К. Отаев фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

СУЯНГАН ТОҒИМИЗ

Ҳозир пахта териш машиналари деҳқоннинг суянган тоғи бўлиб қолди. Бунда Тошкентдаги пахтачилик машиналари бўйича ихтисослашган бош конструкторлик бюроси ходимларининг хизмати катта. Мухбиримиз конструкторлик бюроси бошлиғининг ўринбосари, Ленин мукофоти лауреати Павел Фёдорович Глазатовдан конструкторларнинг ҳозирги ишлари, режалари ҳақида гапириб беришни сўради.

— Очиғини айтсам, пахта йиғим-терими бораётган кезларда бу йилгичалик хурсанд бўлмаганман. Куз яхши келди. Терим машиналари унумли ишлаяпти. Республикамизда йиғим-терим суръатининг юқори бўлиши, машинага иҳлос қўйган колхоз, совхоз ва районларда планлар барвақт адо этилишида «зангори кема»ларнинг хизмати кўринib турибди.

Конструкторлик бюромизда учта бўлим пахтачилик машиналари яратиш ишлари билан шуғулланади. Бу бўлимлар кейинги йилларда машиналарнинг янги, ғоят унумли ишлайдиган хилларини яратишга ҳаракат қилмоқда. Аввало, кенг қаторлаб экилган пахта учун тўрт қаторли терим машинаси яратилганини айтиб ўтмоқчиман. «ХН-3,6» маркали бу машина 1970 йили тайёрланган эди. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи синаб кўриш учун унинг дастлабки 30 та нусхасини ишлаб чиқарди. Улар конструкторлик бюромизнинг синаш станциясида, Ўзбекистондан ташқари пахтачилик республикаларидаги синаш станциялари ва колхоз-совхозларида ишлатиб кўрилмоқда. Янги терим агрегати икки қаторли терим машинасига нисбатан 1,8 марта унумли ишлайди. Сўнгги йилларда ғўзани кенг қаторлаб экиш анча оммавийлашди. Шуни ҳисобга олиб, бундай майдонларга мўлжалланган кўсак териш машинасини тайёрладик. У давлат синовидан муваффақиятли ўтди. Машинани ишлаб чиқариш «Чирчиксельмаш» заводига топширилди. «УПХ-1,5 Б» маркали модернизация қилинган янги кўсак чувиш машинаси ҳам шу кунларда синовда. Унда темир ғилдиран резина ғилдирак билан алмаштирилган. Кўсакни чувиш аппаратига узатадиган янги механизм қўйилган. Яна бир янгилик кўсак чувиш машинасига электр мотор ўрнатилганидир. Уни юргизиш учун энди трактор керак эмас. Электрга улаб ишлатавериш мумкин.

Конструкторлик бюромиз эътибор бераётган ишлардан битта-си янги олти қаторли пахта териш агрегатини яратишдир. Бу йил олти қаторли сеялка ва культиваторлар ҳам ишлатиб кўрилди. Агар янги машиналаримиз синовдан муваффақиятли ўтса келгусида пахтакорларимиз жуда унумли машиналарга эга бўлишади.

ҚОРАҚАЛПОҚ ЭЛИДАН ҚУТЛОВ

Республикамиз бўйлаб хуш хабар таралди, ўзбек пахтакорлари давлатга пахта етказиб бериш халқ хўжалик планини муддатидан илгари ўринлади, «оқ олтин»имиз 4 миллион 50 минг тоннадан ошди. Бу манзилга халқимиз собит қадамлар билан етиб келди. Пахта тайёрлаш планининг бажарилишига Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг меҳнаткашлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

Мен раҳбарлик қилаётган колхоз меҳнат аҳли чинакам матонат ва жасорат кўрсатди, бобо деҳқонларимиз, қишлоқ хўжалик мутахассисларимиз юқори зироат етиштиришга бошчилик қилди. Механизаторларимиз ишнинг оғирини бажарди, юнинг вазминини кўтарди. Ҳамма бир жон, бир тан бўлиб меҳнат қилгач, пахтаэорларда кутилгандан зўр зироат етишди. Бугун республикамиз халқига, партия ва совет ташкилотларига қувонч билан шуни маълум қиламизки, колхозимиз 1280 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиб, планни бажарди, бир неча кундан буён мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдамиз.

Қорақалпоқ элидан сиз азиз пахтакорларга самимий қутлов йўллаймиз, халқ бахт-саодати, Ватан истиқболи йўлидаги яратувчилик ишларингизда катта муваффақиятлар тилаймиз.

Ойимхон КАМОЛОВА,
Қорақалпоғистон АССР Амударё районидаги Крупская номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

А. Н. КОСИГИННИНГ КАНАДАДА БЎЛИШИ

(Бошы биринчи бетда).

Мамлакатингизнинг географик шароити ва иқлими, деди Лейнг, худди бизнинг Канададагига ўхшайди. Бизнинг бепоён ерларимиз ва жуда катта ресурсларимиз халқларимиз олдига сира чекланмаган вазифалар қўяди.

Бизнинг жуда катта муштарак имкониятларимиз бор, шу сабабли мустаҳкам тинчликни таъминлаш бизлар учун муштарак зарур шарт бўлиб турибди.

Лейнг ҳарбий можароларнинг олдини олиш зарурлигини таъкидлаб, биз «канадаликлар, сизнинг визитингиз сингари визитлар тинчликни сақлашни таъминлашга жуда кўп даражада ёрдам беради, деб ўйлаймиз», деди.

Лейнг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати ва халқи учун қадаҳ кўтарди.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин жавоб нутқи сўзлаб, Канадада мени меҳмондўстлик ва хушнудлик билан кутиб олганликлари учун чин кўнгилдан миннатдорчилик изҳор қиламан, деди ва Ванкувер аҳолисига совет кишиларининг қизғин саломларини топширди.

Бизнинг Ванкуверда бўлишимиз, деди А. Н. Косигин, Канада турмушининг менимча характерли бўлган баъзи хусусиятлари билан танишиб олишимизга имконият беради. Ванкувер фақат ўзининг саноат корхоналари, яхши ускуналанган порти, ўзининг маданий ва илмий марказлари билангина аҳамиятли эмас. Порт шунинг учун диққатга сазоворки, халқаро алоқалар қилиш ҳозирги замон ҳаётида, шу жумладан Канаданинг ҳаётида нақадар катта роль ўйнаётганлигини бу ерда айниқса яхши ҳис қиласан. Ванкувер Канаданинг Совет Иттифоқиши, Шарқи Жанубий Осиё мамлакатларини, Латин Америкаси ва бутун тинч океан ҳавзасидаги мамлакатларни кўриб турадиган деразасидир.

Кенг халқаро алоқаларда сизнинг ажойиб шаҳрингиз жуда актив қатнашмоқда. Бу халқаро алоқалар кўп жиҳатдан саноатни, техникани, фанни ривожлантиришдаги тенденцияларнинг натижаси бўлиб турибди, албатта. Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти алоқаларни кенгайтирувчи, ахборотлар айирбошлашни, ҳамкорликни кенгайтирувчи қудратли восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Совет Иттифоқи халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни тараққиётни янада кучайтиришнинг энг муҳим шартларидан бири, деб ҳисоблайди. Мутлақо равшандирки, давлатларнинг тор доирадаги иқтисодий гуруҳларини вужудга келтириш бу мақсадга эришишга ёрдам бермайди, албатта, деди Совет ҳукуматининг бошлиғи.

Канада бош министри П. Э. Трюдо жаноблари, Канада ҳукумати халқаро алоқаларни ва ҳамкорликни ривожлантириш борасида ижобий йўл тутаётганликларини кўриб турибмиз.

Мамлакатларимизнинг халқлари бепоён Тинч океан орқали бир-бирларига қўл ўзатиб қалин дўст бўлишларини истаймиз.

Совет Иттифоқи халқлари СССР билан Канада ўртасида ҳар томонлама дўстона алоқалар кенг ривожланиб бораётганлигини таъкидламоқдалар. Бош министр П. Э. Трюдо билан шу йил баҳорда Москвада бошланган ва шу кунларда бу ерда давом эттирилган фикрлашувлар ижобий натижалар бера бошлади. Мамлакатларимиз ўртасида қилинадиган айирбошлаш тўғрисида Оттавада имзоланган умумий битим мана шу натижаларнинг биридир. Бу ҳужжат ҳар иккала томоннинг жуда кўп соҳаларда — фан, техника, маданият, санъат, илм, спорт соҳаларида — ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётганлигини акс эттиради, янги, шарт-шароитлар яратиб беради ва мана шундай ҳамкорлик учун янги имкониятлар вужудга келтиради, албатта.

Ўртамиздаги айирбошлаш кенгайиб борган сари Совет — Канада алоқаларининг халқаро аҳамияти ҳам яна кўпроқ оша беришига ҳам сира шак-шубҳа қилмаймиз, чунки бундай алоқаларнинг ривожлантирилиши турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини халқаро муносабатлар практикасида қарор топишига ёрдам бераверади. Шу тариқа Совет — Канада ҳамкорлиги бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига хизмат қилади.

Совет ҳукуматининг бошлиғи Канаданинг равнақи учун, Канада халқининг фаровонлиги учун, Совет — Канада ҳамкорлигини ривожлантириш учун қадаҳ кўтарди.

Кеча А. Н. Косигин «Принц Жорж» кемасида Канаданинг ғарбий соҳилидаги музламайдиган асосий порт бўлган Ванкувер портини кўздан кечирди.

ЭДМОНТОН, 25 октябрь. (ТАСС махсус мухбири). Кеча СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Ванкуверга қилинган визитини тамомлаб, Канада куролли кучларининг махсус самолётида Альберта вилоятининг пойтахти Эдмонтон шаҳрига келди.

Эдмонтон аэропортида Совет ҳукуматининг бошлиғини ва унинг ҳамроҳларини Канада қишлоқ хўжалик министри Х. А. Олсон, Альберта вилоятининг бош министри Э. Логхид, шу вилоят ҳукуматининг министрлари кутиб олишди.

Эдмонтон — Альберта вилоятидаги ва қўшни вилоятлардаги фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалик машиналари ва асбоблари билан таъминлаб турувчи катта база. Кейинги йилларда Эдмонтон Канада шимолини ўзлаштириш ва фойдали қазилмаларини қазиб олиш ишларига раҳбарлик қилиб турувчи марказ ҳам бўлиб қолди.

СССР Министрлар Советининг Раиси ва унинг ҳамроҳлари «Намао» аэропортидан чиқиб «Шеррит гордон майнс» компаниясининг Форт-Саскачевандаги никель заводи томон йўл олдилар.

Совет ҳукуматининг бошлиғини фирма президенти Д. Д. Томас кутиб олди. Матбуот учун аталиб мухбирларга улашиб берилган баёнотда «Шеррит Гордон майнс» компанияси «фан ва технологияни саноатда қўлланиш соҳасида Россия билан ҳамкорлик қилиш программасида қатнашиш имкониятини табриклайди» дейилади.

А. Н. Косигин корхонани кўриб чиққанидан кейин Эдмонтон шаҳри томон йўл олди.

Альберта вилоятининг бош министри Э. Логхид А. Н. Косигин шарафига тушлик зиёфат берди. Зиёфатда Э. Логхид билан А. Н. Косигин қадаҳ кўтариб нутқ сўзладилар.

Канададан Совет Иттифоқига юборилаётган жамики молларнинг тўртдан бир қисми, деди Альберта бош министри, Альберта вилоятидан жўнатилмоқда. Вилоят аҳолиси Совет ҳукумати бошлиғининг бу ерга келганлигидан жуда хурсанд. Вилоят аҳолиси Совет Иттифоқи билан муносабатларни янада ривожлантиришдан жуда манфаатдор бўлиб, бу муносабатларни мустаҳкамлашда кўмаклашажак.

А. Н. Косигин ўзининг жавоб нутқида, биз Канада халқига яхши дўстлик ҳислари билан бу ерга келдик, деди. Биз, деди у, Альберта вилоятига келиш тўғрисидаги таклифни зўр мамнуният билан қабул қилдик. А. Н. Косигин тараққиёт ва халклар ўртасидаги тинчлик йўлида ҳамкорлик қилинаверсин деб қадаҳ кўтарди.

Олий Совет меҳмони шу кунинг ўзидаёқ Эдмонтондан Торонтога жўнаб кетди.

ТОРОНТО, 25 октябрь. (ТАСС махсус мухбири). СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин кеча махсус самолётда Торонтога келди.

Аэропортда уни Канада миллий мудофаа министри Дональд Макдональд ва бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

СУНГГИ йилларда Қорақалпоғистон АССР пойтахти Нукус шаҳри тез ўзгармоқда. Бу ерда янги кўп қаватли уйлар, маиший хизмат объектлари қад кўтармоқда. Рассом Н. Корнилов чизган бу суратларда шаҳарнинг хуснига-хуси қўшган ана шундай объектлар (чапда) — янги уйлар, ўнгда — Марказий универмаг биноси тасвирланган.

ОЛИМЛАРНИНГ ТОШКЕНТ АНЖУМАНИ

Узбекистон пойтахтида Бутуниттифоқ олий ўқув юртлараро конференция бўлиб ўтди. Бу анжуман электр-техника, электроника ва хисоблаш техникасининг назарий проблемаларига бағишланди. Чизиқсиз электр занжирлари ва системалари ҳисоб-китоби назарияси ва методлари соҳасида иш олиб бораётган совет олимлари орасидаларидан бири меҳнат қилаётган Тошкент Политехника институти мамлакатнинг етакчи физик ва математик олимларининг тўртинчи анжумани ўтказиладиган жой қилиб олинди.

Конференция ишида Москва, Ленинград, Минск, Тошкент ва мамлакатнинг бошқа илмий марказларидан келган 800 дан ортиқ олим ва мутахассис қатнашди. (ЎзТАГ).

СПОРТ ХАБАРЛАР

ИНТИЗОМСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Утган жумада олий лигачилар ўртасида ягона ўйин бўлди. Бунда ўзларига чемпионликни таъминлаб олган киевлик динамочилар билан тбилисилик футболчилар куч синашишди. Грузия пойтахтидаги бу ўйин майдон эгалари фойдасига 1:0 билан тугади.

Худди шу куни СССР футбол федерацияси президиумининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда Бокунинг «Нефтчи» командаси футболчиларининг бу йилги биринчилик ўрашувларида йўл қўйган қўполлик ва интизомсизликлари (Тошкентда, Ростов-Донда ва бошқалар) муҳокама қилинди. Футбол ўйини қоидаларига хилоф равишда мунтазам интизомсизлик қилишларига қарамай, «Нефтчи» ўйинчилари ўзларини ҳар қандай қилмишлари кечириладиган «эркатойлар» деб билганликлари учун ҳам бу сафар ояб ўтирилмади.

Спорт-техника комиссияси «Нефтчи» клубини мамлакат футбол чемпионати бу йилги ўйинларидан четлаштиришга қарор қилди. Мазкур команда билан бўладиган қолган ўрашувлар бокуликлар учун мағлубият деб ҳисобланадиган бўлди. Энди «Нефтчи» билан ўрашиши лозим бўлган уч команда — «Зенит», пойтахт динамочилари ва тошкентлик пахтаорчилар ўз ҳисобларига иккитадан очко ёзишлари мумкин.

ДАЪВОГАРЛАР «ЖАНГИ»ДА

Жаҳон шахмат тожи даъвогарларининг финал ўйинлари ниҳоясига яқинлашмоқда. Кўзда тутилган 12 ўйиндан 8 таси бўлиб ўтди. Утган якшанбадаги «жанг» айниқса қизғин бўлди. Оқ доналар билан ўйнаган Петросян 11-юришгача рақибидан устун келиб турди. Шундан кейин, Фишер кескин ҳужум билан вазиятни ўзгартиришга эришди. 41-юришга келганда шахматчимиз мағлублигини тан олди. Умумий ҳисоб 2,5:5,5.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА, 18.25 — ТОШКЕНТ, 18.30 — Беш йиллик республикамиз бўйлаб кезади. 19.00 — Футбол: «ПАХТАКОР» — «ШАХТЕР». Узбек тилида; 20.45 — Ахборот, 21.00 — Қизил альпинистлар (телефильмнинг 2-серияси), 21.25 — Пахтакорларнинг Октябрь олди рапортлари, 22.00 — МОСКВА ,22.30 — Ёзувчилар пахтаюрларга, 22.45 — Мирза Иброхимов (и-кодий портрети).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 17.30 — МОСКВА, 17.35 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 18.00 — Концерт, 18.40 — Мультфильмлар, 19.00 — Москва композиторлари билан учрашувлар, 20.00 — Янгиликлар, 20.10 — Миллионлар ленинча университети, 20.40 — Қаердасан, Максим? (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 20.30 — Бой ила хизматчи (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26/Х Русалка, 27/Х да Трубадур.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/Х да Табассум ўғрилари, 27/Х да Мирзо Улуғбек.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/Х да Баҳс, 27/Х да Биринчи бўса, 28/Х да Улимларни қолдириб дорда (спектакллар кундуз соат 4 да бошланади).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— РСФСР халқ артисти И. РУБАН раҳбарлигидаги ўргатилган ёввойи ҳайвонлар иштирокида МОСКВА ДАВЛАТ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (кеч соат 7 яримда; шанба кунлари кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда; якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда бошланади).

КИНО

Изма-из (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (кундуз соат 11, 12, 4, 5 ва кеч 8 да).

Туйзу Таавининг етти куни — «КЎКЧА» (эрталаб соат 10 ва кундуз 5 да), «СПУТНИК» (кундуз соат 2, 3, кеч 7 ва 9 да).

Ёшлар кундуз соат 11.40, 5 ва кеч 9 да), Севги ва можаролар (кундуз соат 1.30, 3.20, кеч 7 да) — «МОСКВА».

Ўгирлик — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Шпессартдаги ажойиб дамлар— — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Одиссейнинг саргузаштлари — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Чермен — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Денгизга ғарқ бўлган орзулар— «КЎКЧА» (кундуз соат 11.30, 1, 3, кеч 7 ва 8.45 минутда).

В. В. КУЙБИШЕВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига 34 ёшдан катта бўлмаган ўрта маълумотли илғор колхозчи ва совхоз ишчилари ҳамда ўрта мактабни тугатгандан сўнг камида бир йил қишлоқ хўжалигида ишлаганлар қабул қилинади.

Тайёрлов бўлимига номзодларни танлаш ва йўлланма беришни колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари амалга оширадилар.

Кирувчилар: институт ректори номига ёзилган ариза, йўлланма (2 ёки 3 форма), ўрта маълумот тўғрисидаги аттестат (асли), характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 сантиметр ҳажмдаги 6 дона фотосурат, меҳнат (колхоз) дафтарчасини топширадилар.

Совет Армияси сафида хизматни ўтаб келганлар ҳарбий қисмдан характеристика топширадилар ва паспорт ёки унинг ўрнини босадиган справка, ҳарбий билет ёки ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, партия, комсомол ва касаба союз ҳужжатларини шахсан кўрсатадилар.

Уқиш муддати — саккиз ой.

Тайёрлов бўлимини муваффақиятли битирганлар институтнинг биринчи курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

Ҳужжатлар — 10 ноябргача қабул қилинади.

Тингловчилар составига қабул қилиш — 25 дан 30 ноябргача ўтказилади.

Машғулотлар — 1 декабрда бошланади.

ҲУЖЖАТЛАР: Самарқанд шаҳри, К. Маркс кўчаси, 77-уйга юборилсин.

РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига илғор ишчилар, колхозчилар ва Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар қабул қилинади.

Кирувчилар: ариза, йўлланма, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), характеристика, 3х4 сантиметр ҳажмдаги 6 дона фотосурат, 286 формадаги медицина справкаси, меҳнат дафтарчасидан корхона раҳбарлари томонидан тасдиқланган нусхасини топширадилар.

Тингловчилар стипендия билан, бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Аризалар — 10 ноябргача қабул қилинади.

Уқиш муддати — саккиз ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-110, Литературная кўчаси, 4-уй.

В. В. КУЙБИШЕВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД КООПЕРАТИВ ИНСТИТУТИ

(Собиқ Ўзбекистон халқ хўжалик институти ва В. В. Куйбишев номидаги Самарқанд совет савдоси институти)

1971-72 ўқув йили давомида

ИНСТИТУТНИ БИТИРГАНЛАР БИЛАН УЧРАШУВ ЎТКАЗАДИ

Институт раҳбарлари институтни тугатганлардан 1971 йилнинг 10 ноябригача ўзларининг уй адреслари ва қаерда қандай лавозимда ишлаётганликлари хамда институтни нечанчи йилда битирганликларини Самарқанд шаҳар, Коммунистическая кўчаси, 41-уй, кадрлар бўлимига ёзиб юборишларини сўрайди.

ТОШКЕНТ ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ТЕХНИКУМИ қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўрта маълумотлиларни СИРТКИ БЎЛИМГА

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

геология, фойдали қазилма конларини қидириш ва излаш, фойдали қазилма конларини қидириш ва излашнинг геофизик методлари, гидрогеология ва инженерлик геологияси, фойдали қазилма конларини қидириш техникаси.

Ҳужжатлар — 30 ноябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари — 15 ноябрдан 10 декабргача ўтказилади.

Ўқувчилар составига қабул қилиш — 16 дан 25 декабргача.

Камида икки йил иш стажига эга бўлганлар меҳнат дафтарчасининг корхона раҳбари томонидан тасдиқланган нусхасини тандим қиладилар.

Кирувчилар: рус группасига: математика (оғзаки), рус тили ва адабиёти (иншо)дан; Ўзбек группасига: математика (оғзаки), Ўзбек тили ва адабиёти (иншо)дан кириш имтиҳонлари топширадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент-95, Студентлар шаҳарчаси, Қамарнисо кўчаси, 1-уй.

ХУШ КЕЛИБСИЗ!

ПАРИЖ, 24 октябрь. (ТАСС махсус мухбирлари). Парижнинг энг гўзал проспекти — Елисой майдонида Франция Республикасининг уч рангли байроғи ёнига ўроқ ва болга сурати туширилган қизил байроқ кўтарилди. Франция пойтахти Совет Иттифоқидан келадиган олий меҳмонни — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежневни тантанали равишда кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда.

Франциядa Л. И. Брежневнинг визитига ғоят катта ва муҳим сиёсий воқеа деб баҳо бермоқдалар. Кейинги кунларда биз ким билан учрашиб суҳбатлашмайлик — ҳукумат аъзолари ҳам, Франция Миллат мажлисининг депутатлари ҳам, йирик олимлар ва жамоат арбоблари ҳам Л. И. Брежневнинг визити иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва сиёсий соҳаларда Совет — Франция ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида муҳим қадам бўлади, деб ишонч билдирмоқдалар.

Л. И. Брежневнинг Францияда ўтказадиган кунлари программаси бўлажак визитнинг натта аҳамиятга эга эканлигидан далолат бермоқда. Бу программа, жумладан, Франция президенти Ж. Помпиду билан Франциянинг бошқа раҳбарлари билан бир неча марта учрашишни назарда тутади. Шу учрашувлар давомида халқаро аҳволнинг энг ўткир ва муҳим проблемалари, шу жумладан Европада мустаҳкам тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш проблемалари батафсил қараб чиқилиши керак. Музокаралар чоғида ҳеч шубҳасиз СССР билан Франция ўртасидаги самарали ва ўзаро фойдали ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Бундай ҳамкорлик ҳамма соҳаларда ҳам муваффақиятли ривожланмоқда. Кейинги беш йил мобайнида иккала мамлакат ўртасида товар оборот ҳажми икки ярим баравардан зиёд ошди. Совет—Франция илмий алоқалари ҳам ғоят кенг кўламда олиб борилмоқда. Иккала мамлакат олимлари бирлашган ҳаракат қилиб атом ядроси сирларини ва космос оламини ўрганмоқдалар, станоксозлик, автомобилсозлик, энергетика, химия, медицина ва бошқа кўпгина тармоқларни ривожлантиришга доир проблемаларни ҳал этишда самарали ҳамкорлик қилмоқдалар. Ҳар иккала мамлакат ўртасидаги маданий алоқалар ҳам йилдан-йилга кучаймоқда. Париждаги афишалар худди мана шу октябрь кунларида Игорь Моисеев ансамблининг Франция пойтахтига келиши тўғрисида, совет киноси традицион ҳафталиги бошланиши тўғрисида, Пабло Пикассонинг Луврда очилган юбилей виставкасида машҳур рассомнинг бошқа асарлари орасида СССРдан келтирилган йигирмага яқин полотнолари ҳам намойиш қилинаётганлиги тўғрисида хабар бермоқда.

СССР билан Франциянинг ҳамкорлиги ҳар иккала мамлакатнинг давлат манфаатларига мувофиқ бўлиб, тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. КПСС XXIV съезди белгилаб берган совет ташқи сиёсатининг тинчлик программаси Францияда кенг маъқулланди. Франция жамоатчилиги Л. И. Брежневнинг визитига мана шу конструктив программани изчиллик билан ва оғишмай амалга ошириш йўлида қўйилган муҳим қадам. Европада тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишига қўшиладиган реал ҳисса деб тамомила асосли баҳо бермоқдалар.

Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездидаги ҳисобот докладида Совет —Франция муносабатларига тўхталиб: «Халқларимиз ўртасидаги дўстлик мустаҳкам тарихий традицияларга асосланади. Ҳозирги вақтда ҳам давлатларимиз ўртасида жуда кўп муштаран манфаатлар бор. Биз СССР билан Франция ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш ва кенгайтириш тарафдоримиз. Биз буни халқаро хавфсизликнинг муҳим омили деб биламиз» деган эди.

Франция матбуоти мана шу сўзларни қайта-қайта такрорламоқда. «Хуш келибсиз, олий совет меҳмони!» дейди Франция.

КОРНИЛОВ, КРАСИКОВ.

Халқаро ҲАЁТ

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ ЗАРБАСИ

◆ ХАНОЙ, 25 октябрь. (ТАСС). Жанубий Вьетнам Халқ озодлик қуролли кучларининг жангчилари Америка-Сайгон қўшинлари позициясига зарба бермоқдалар. Озодлик матбуот агентлигининг хабар беришича, Куангда вилоятида ватанпарварлар 20 сентябрдан 3 октябргача ўтган даврида душманнинг 500 дан ошиқ солдатини сафдан чиқардилар, 50 та ҳарбий машинани йўқ қилдилар ва шикастлантирдилар ҳамда ҳарбий темир йўл составини ағдариб юбордилар.

ФАЛАСТИН. Унча катта бўлмаган Ғози шаҳрини 1967 йилда Исроил босиб олган эди. Суратда: Ғозидаги Исроил патруллари. Улар бу ерда кун дуз кунигина бемалол юриша ди. Камера Пресс-ТАСС фотоси.

ХАЛҚАРО ФЕЛЬЕТОН

СУТГА КИМ БОРАДИ?

Жиноят — бугунги Америкининг социал касалликларидан биридир. Статистика маълумотларига қараганда, американликларга ҳар куни ўлим ва ечинтириб кетиш хавф солиб турибди. Жиноятчилик проблемаси айниқса шаҳарларда, хусусан Вашингтонда жиддий тус олмоқда. Шунинг учун ҳам бу шаҳарни кўпчилик «жиноят пойтахти» деб атайди.

Ўтган ҳафта черковга иккита ўғри кириб, тўппонча ўқталиб, дўк қилишди ва ибодат қилувчиларнинг ҳамёнларини шип-шийдон қилиб кетишди. Яқинда эса қуролланган бир неча ўғри синфга бостириб киришди. Ўқитувчини калтаклашиб, ўқувчиларнинг бор-йўқ пулларини олиб кетишди. Бугунги Вашингтон ана шундай!

Бироқ бундай ҳолларни черков ёки мактаб эмас, «Хай» фирмасининг сут дўконларида кўпроқ учратиш мумкин. Агар шу магазинлар бўлмаса ўғриларнинг кўпчилиги ҳеч вақосиз қоларди. Кўпчилик вашингтонлик оилаларда сут олиб келиш учун борадиган кишига ҳамдардлик билдириш одат тусига кириб қолди. Эркаклар уни оғир йўлга кузата туриб ҳамдардлик билан қўлини қисиб қўяди, аёллар эса пешонасидан ўпиб кўз ёши қилади.

Эндиликда Вашингтон полициясининг сут дўконларига аввалгидай ҳуштак чалганича бемалол кириб келолмайди. У бу ерга никобли ўғрилар бостириб кириб, харидорларни шип-шийдон қилиб кетмагунларича кутиб туришга мажбур. Улар орадан ярим соат вақт ўтгандан кейингина шовкин солганича етиб келишади. Ана шундан кейингина сут олиб, уйга бемалол қайтиш мумкин.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу ерда уйига эсон-омон етиб келадиганлар жуда кам топилади. Шу боисдан ҳам кеч кирди дегунча эшиклар ёпилиб, тамбаланади. Итлар қўйиб юборилади. Деразаларнинг тагларига заҳарли тикон сепилади. Шундан кейин оилада бўлиб ўтган суҳбатни эшитиш жуда мароқли.

— Ҳамма уйдами? — сўрайди оила бошлиғи.

— Ҳамма. Фақат бувимиз йўқ, — дейишади унга. У бутун кунини марказий кўчада ўтказди. Қўлида сумкачасини у ёқдан бу ёққа силкитиб юрганича жиноятчиларнинг диққатини ўзига тортди. Газ тўппонча ёрдамида 17 кишини ер тишлатди. Ҳозир у суднинг кечки мажлисида ҳисобот бераётир.

— Болажонларимизнинг аҳволи қалай? Мактабларда кун яхши ўтдими?

— Иккита йигит синфимизга кириб, қўлимизни кўтариб туришни буюрди. Менга кино учун берган пулингизни олиб, кўздан ғойиб бўлишди, — шикоят қилади кенжатой.

— Бугун кун яхши ўтди. Ҳа, ёмон эмас, деса бўлади, — дейди катталардан бири. Бу сафар ҳеч кимни калтаклашмабди, ҳеч кимни ечинтиришмабди ҳам.

Кутилмаганда кимнингдир чинқириғи эшитилади.

— Нима гап?

— Энн холани кобра чақиб олибди!

— Мен заҳарли илонни уйда сақлаш хавфли, деб айтмаганмидим, сизларга!

— Хавфлиликка хавфли-я, лекин эшикни бузиб кирган ўғри ана шу илонни босиб олсин, деб шундай қилган эдик. Зора илон чақса бу ерга бошқа кирмайдиган бўлишар.

Ҳа бугун кун яхши ўтди. Лекин эртага кимгадир яна сут учун дўконга боришга тўғри келади.

Рассел БЕЙКЕР.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №26. Редактор —336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221 Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши —333258. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат — 332036, 331216. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка —337343. Корректура—337162. Эълонлар—338142. Коммутатор—330249,330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85. Бухоро — 3—31—42. Қарши — 38—42, Нукус — 42—62. Самарқанд — 31—972. Термиз — 54—01. Урганч — 34—55. Фарғона — 4-29-44. Гулистон — 22-09.

А. — 248. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС — 64697. Р. 14596.